

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

328 Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг сод- далаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1781-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 1 ва 1/2-сон қарори (рўйхат рақами 1781, 2008 йил 26 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 12-13-сон, 81-модда) билан тасдиқланган Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2017 йил 18 апрель,
40-сон

Б. ХОДЖАЕВ

**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири**

Тошкент ш.,
2017 йил 18 апрель,
34-сон

З. МИРЗАЕВ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазирлигининг 2017 йил
18 апрелдаги 40 ва 34-сонли қарорига
ИЛОВА

**Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг
содалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 4-банднинг «б» кичик бандидаги «ихтисослашган бухгалтерлик фирмасига» деган сўзлар «ихтисослаштирилган ташкилотга (аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ва уставида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хизмат кўрсатиш назарда тутилган бошқа ташкилотлар)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6-банднинг «в» ва «г» кичик бандларидаги «бошланғич ҳужжатлар» деган сўзлар «бошланғич ҳисоб ҳужжатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 8 ва 9-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Фермер хўжаликларида тузиладиган бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари, уларни тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс этириш тартиби, шунингдек ҳужжатлар айланишини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига ва Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1297, 2004 йил 14 январь) мувофиқ тартибга солинади.

9. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган намунавий шаклларда ёки ушбу Низомнинг талабларига риоя қилган ҳолда фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган бланкаларда тузилади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари электрон ҳужжат тарзида тузилиши ва тақдим этилиши мумкин.».

4. 10-банддаги «бошланғич ҳужжатлар» деган сўзлар «бошланғич ҳисоб ҳужжатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 14-банднинг иккинчи хатбошиси ва 15-банддаги «муҳр билан тасдиқланади» деган сўзлардан кейин «(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 24-бандда:

иккинчи хатбошидаги «бошланғич ҳужжатларда» деган сўзлар «бошланғич ҳисоб ҳужжатларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «бирламчи ҳужжатлар» деган сўзлар «бошланғич ҳисоб ҳужжатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 25-банднинг биринчи хатбошисидаги «узоқ муддатли» деган сўзлар «молиявий» деган сўз билан алмаштирилсин.

8. 38-банднинг иккинчи хатбошисидаги «бирламчи ҳужжатлардаги» де-

ган сўзлар «бошланғич ҳисоб ҳужжатларидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 1-иловада:

а) 0112 тартиб рақамли счётнинг «Счётлар номи» устуни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши»;

б) 0212, 0299, 0300, 0310, 0860, 0920, 4810, 9550, 010 сонли счётларнинг «Счётлар номи» устунидаги «Узоқ муддатли» деган сўзлар «Молиявий» деган сўз билан алмаштирилсин;

в) 4820, 9350, 001 тартиб рақамли счётларнинг «Счётлар номи» устунидаги «Қисқа муддатли» деган сўзлар «Оператив» деган сўз билан алмаштирилсин;

г) 6320 тартиб рақамли счёт чиқариб ташлансин;

д) 6910 тартиб рақамли счётнинг «Счётлар номи» устунидаги «қисқа муддатли» деган сўзлар «оператив» деган сўз билан алмаштирилсин;

е) 7910 тартиб рақамли счётнинг «Счётлар номи» устунидаги «узоқ муддатли» деган сўзлар «молиявий» деган сўз билан алмаштирилсин;

ж) 8510 тартиб рақамли счётнинг «Счётлар номи» устунидаги «Мулкни» деган сўз «Узоқ муддатли активларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

з) изоҳ чиқариб ташлансин.

10. 2-иловадаги «Бошланғич ҳужжатнинг» деган сўзлар «Бошланғич ҳисоб ҳужжатининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 4-иловадаги «узоқ муддатли» деган сўзлар «молиявий» деган сўз билан алмаштирилсин.

12. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан келишилган.

*Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси*

Д. ХИДОЯТОВ

2017 йил 7 апрель

*Ўзбекистон Фермерлари
кенгашининг раиси*

С. ТУРДИЕВ

2017 йил 7 апрель